

5-МОДУЛЬ. САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРУВЧИЛАР РЎЙХАТИ

5.1. Илова

Ақлий хужум саволлари:

1. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати деганда нимани тушунасиз?

2. Участка сайлов комиссияси аъзолари сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимига кириш ҳуқуқини олиш учун кимга мурожаат қилади?

3. Неча кун ичида участка сайлов комиссияси масъул аъзоси тегишли ҳудудларда яшовчи сайловчилар тўғрисида маълумотлар рўйхатини юклаб олади?

5.2. Илова

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органларининг ахборот базаларига мувофиқ сайловчи фуқаролар, уларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари манзиллари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган давлат ахборот ресурсидир.

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органлари томонидан тақдим этиладиган ахборот негизида шакллантирилади ва янгилаб турилади, сайлов кампанияси даврида эса тегишли участка сайлов комиссиялари томонидан аниқлаштирилади.

Ҳар бир участка сайлов комиссияси тузилганидан кейин уч кун ичида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатида тақсимланган мазкур участка сайловчиларининг дастлабки рўйхатини олади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг дастлабки рўйхатини олганидан кейин уни мазкур участка ҳудудида яшовчи аҳолини уйма-уй айланиб чиқиш йўли билан аниқлаштириш чораларини кўради.

Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш бўйича ишда иштирок этиш учун жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари сайловчиларнинг рўйхатларини аниқлаштириш ишларига кўмаклашади.

Сайлов комиссиялари аҳолини уйма-уй айланиб чиқиш натижалари кўра Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатида аниқланган хато ва ноаниқликлар юзага келганда, участка сайлов комиссияси қуйидаги турдаги ўзгартиришларни киритади:

- кирмаган фуқарони сайловчилар рўйхатига киритиш;
- сайловчининг Ф.И.Ш., туғилган санаси, яшаш манзилига тузатиш киритиш.

СЯЭРга мазкур ўзгаришларни киритиш масъул аъзо томонидан амалга оширилади.

Масъул аъзо ўзгартириш керак бўлган сайловчининг жисмоний шахслар идентификация рақами ёки паспорт маълумотларини киритган ҳолда сайловчини қайси сайлов участкасининг сайловчилар рўйхатига киритилганлигини аниқлайди ва сайловчининг маълумотлари бўйича рўйхатга тегишли ўзгартиришларни киритади.

Сайловчиларнинг рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ҳамда унинг раиси ва котиби томонидан имзоланади.

Сайлов куни сайлов участкаларида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан олинган сайловчилар рўйхатларидан фойдаланилади.



ТИЗИМНИНГ ВАЗИФАЛАРИ



Жараёни автоматлаштириш

Химояланган каналлар орқали идоровий ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялаш орқали СЯЭРни шакллантириш жараёнини автоматлаштириш;



Мосламаларни тақдим қилиш

Сайловчи-фуқароларни сайлов участкалари бўйича тақсимлаш ҳамда рўйхатларини тахрирлаш имконини берувчи мосламаларни тақдим қилиш;



Сайловчиларни таништириш

Сайловчи-фуқаролар учун уларнинг сайлов участкаларига тегишли маълумотлар билан танишиш ҳамда сайлов участкаларини ўзгартириш бўйича сўровнома юбориш имконини бериш;



Кириш ҳуқуқини тақсимлаш

СЯЭРда сақланувчи маълумотларга ва сайлов участкалари бўйича рўйхатларни тахрирлаш функциясига фойдаланувчилар учун кириш ҳуқуқларини тақсимлаш.

1-казус

Фуқаро Б. Қашқадарё вилоятидан ишлаш учун келиб, Тошкент шаҳрида вақтинча ҳисобга олинган фуқаро сифатида рўйхатда туради.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг дастлабки рўйхатини аниқлаштириш мақсадида мазкур участка ҳудудида яшовчи аҳолини уйма-уй айланиб чиқиб, Б. вақтинчалик рўйхатда тургани сабабли ундан сайлов куни қаерда бўлишини сўраб, уни сайловчилар рўйхатига киритди.

Бироқ, Б.нинг ҳисобга олинган муддати 2019 йил 20 декабрь куни тугашига эътибор бермаган эди. 22 декабрь сайлов куни Б. муддати ўтган ҳисобга олиш тўғрисида фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатга қайд варағи билан Тошкент шаҳрида вақтинчалик яшаб турган жойдаги сайлов участкасига келди.

Бу вазиятда Б.нинг Тошкент шаҳрида сайлов ҳуқуқи борми? УСК раиси, аъзолари қандай йўл тутиши керак?

2-казус

Сайловчи А. УСК аъзосига унинг турмуш ўртоғи Н. сайловчилар рўйхатига киритилган ёки киритилмаганлиги юзасидан рўйхатни кўрсатишни сўради. УСК аъзоси унинг илтимоси қондирилмаслиги, бунинг учун турмуш ўртоғи ўзи келиши лозимлиги, бундай маълумот ҳар бир сайловчининг фақат ўзигагина кўрсатилиши мумкинлигини тушунтирди. Юқоридаги вазиятда УСК аъзоси тўғри йўл тутдими?

3-казус

2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгаш депутатлигига сайловлар ўтказилиши жараёнида сайловчи жорий йилнинг 20 декабрь куни участка сайлов комиссиясига мурожаат қилиб, сайловчилар рўйхатида ўзи ҳақидаги маълумотларга тегишли ўзгартириш киритишни сўради. Бундай ҳолатда участка сайлов комиссияси аъзолари қандай йўл тутади?

4-казус

Участка сайлов комиссияси СЯЭРдан сайлов участкасига кирувчи сайловчилар рўйхатининг дастлабки вариантини юклаб олади. УСК аъзолари сайловчилар рўйхатида берилган маълумотлар тўғрилигини уйма-уй айланиб чиқиш (хатлов) орқали аниқлик киритиш жараёнида фуқаро А. саломатлиги сабабли Ҳиндистонда даволанаётганлигини аниқлади. Фуқаронинг оила аъзолари билан суҳбат чоғида А. сайлов куни қатнаша олмаслиги маълум бўлди. Шундан сўнг, УСК аъзолари А.ни сайловчилар рўйхатидан чиқариб ташлади.

Кутилмаганда фуқаро А. 20 декабр куни Ҳиндистондан қайтиб келди. Ушбу ҳолатда УСК амалдаги сайлов қонунчилигига мувофиқ қандай йўл тутиши лозим?

5.4. Илова

Сайловчилар рўйхатларини шакллантириш

1-казус

Сайловчилар рўйхатларини шакллантириш бўйича муаммоли вазиятлар.

Маълум бир сабабларга кўра фуқаро А. сайлов кунда сайловчилар рўйхатига киритилмаганлиги маълум бўлди, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси сайловдан уч кун олдин ўз ҳудудидаги сайловчиларнинг охириги рўйхатларини СЖБАТдан юклаб олади ва юклаб олинган рўйхатларни сайлов участкалари кесимида чоп этади. Сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси икки кун ичида чоп этилган сайловчилар рўйхатларини ҳар бир участка сайлов комиссияси котибига етказиб беради.

А.нинг фуқаролиги ва яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжат асосида сайловчилар рўйхатининг иловасига киритилди, комиссия фаолияти қонунийми?

2-казус

Сайловчилар рўйхати участка сайлов комиссияси раиси ва котиби томонидан имзоланади ҳамда участка сайлов комиссияси муҳри билан тасдиқланади. Участка сайлов комиссияси сайловчиларни рўйхат билан танишиб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабардор қилади.

Худудда яшовчи фуқаролар томонидан ушбу рўйхат билан танишиб чиқиш давомида айрим камчиликлар ва хатолар мавжудлиги аниқланса, сайловга неча кун қолгандан кейин тўғриланиши тўхтатилади?

3-казус

Фуқаро С. сайловчилар рўйхатида унинг фамилияси нотўғри ёзилганлигини айтиб, бу хатоликни тўғрилаш лозимлигини таъкидлаган ҳолда мурожаат қилди. УСК аъзолари бу арзимас техник хатолик эканлигини таъкидлаб, ҳеч нима қилмайди дея жавоб берди. Бунга жавобан фуқаро С. агарда мазкур хатолик тўғриланмаса тегишли ваколатли органларга шикоят қилишини айтди.

Ушбу ҳолатда фуқаро С. шикоят қилиши мумкинми? УСК мазкур мурожаатни қандай тартибда кўриб чиқиши ва жавоб бериши керак эди?

5.5. Илова

Олган билимингизни синаб кўринг!

Тест саволлари

1. Сайловчиларнинг рўйхатини қайси сайлов комиссияси уйма уй юрган ҳолда текширади?

- A) Участка сайлов комиссияси
- B) Округ сайлов комиссияси
- C) Марказий сайлов комиссияси
- D) Туман (шаҳар) сайлов комиссияси

2. Участка сайлов комиссияси тузилганидан кейин неча кун ичида мазкур участка бўйича дастлабки сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини олади?

- A) 3 кун
- B) 4 кун
- C) 5 кун
- D) 6 кун

3. Сайловчиларнинг рўйхати кимлар томонидан имзоланади?

- A) Сайлов комиссияси раиси ва битта аъзоси;
- B) Сайлов комиссияси раиси ва унинг ўринбосари;
- C) Сайлов комиссияси раис, ўринбосари ва котиб;
- D) Сайлов комиссияси раиси ва котиби

4. Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга неча кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади?

- A) 30 кун
- B) 5 кун
- C) 15 кун
- D) 10 кун

5. Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш сайловга неча кун қолганида тўхтатилади?

- A) 3 кун
- B) 4 кун
- C) 5 кун
- D) 6 кун